



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 243 (11.804)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Қўшма корхоналарда

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА МОС

Халқаро андозаларга мос келадиган маҳсулот турларини кўпайтириб, ҳам ички, ҳам ташқи бозорда ўз ўрнига эга бўлаётган корхоналар кўпайиб бормоқда.



асосида сифат менежменти тизими жорий этилганлиги ҳам шай-ҳаракатлар самарасидан дарак беради.

Жорий йил охиригача корхонада 64 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган бўлиб, бу ўтган йилдагидан салкам икки баравар орттирилади. Турта конструкторлик бўлимида фаолият юритаётган тажрибали мутахассислар томонидан жорий йилда ўндан ортиқ янги маҳсулот лой-

Шарифа ИЛЁСОВА
Козим Ўлмасов олган сурат

«Ўзэлектроаппарат-Электрощит» қўшма корхонаси бугунги кунда ички бозорни 65-70 фоиз электротехника маҳсулотлари билан таъминлаш баробарида мамлакатимиз экспорт салоҳияти юксалишига ҳам муҳим ҳисса қўймоқда.

Маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда жалб этилган хорижий инвестициялар ҳисобига цехлар юқори унумли технология линиялар билан жиҳозланиши катта аҳамият касб этган бўлса, кадрлар малакасини оширишга қаратилган эътибор, ишчи ходимларнинг ижтимоий ҳимояси

таъминланганлиги, меҳнат шароитлари, мазмуни ҳордиқ учун имкониятлар мавжудлиги сифат ва самарадорликда аксини топмоқда.

Юқори сифатли маҳсулот ҳамisha харидориги бўлиши тайин. Ана шуни дилдан ҳис этган корхона жамоаси маҳсулот сифат сертификати талабларига жавоб беришини таъминлапти. Корхонада ишлаб чиқарилаётган 60 дан ортиқ турдаги электротехника ускуналари Россия ва мамлакатимиз стандартлаштириш марказларида синовдан ўтган. ISO 9001-2008 халқаро стандарти

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгашида «Экожурналистика» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон экологик ҳаракати марказий кенгаши ижроия қўмитаси раиси ўринбосари С.Сангинов Президентимиз Исмоил Каримов раҳнамолигида табиатдан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, минтақавий экологик муаммоларни бартараф этиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг шу йил сентябрда бўлиб ўтган Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида ушбу масалаларга жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Бу жараёнда олиб борилаётган эзгу ишлар мазмун-моҳияти, улар бераётган юксак самараларни кенг жамоатчиликка етказиш, аҳоли, айниқса, ёш авлоднинг экологик маданиятини юксалтириш билан боғлиқ ишларга журналистлар фаол ҳисса қўшмоқда.

Ушбу хабарига қўра, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, Табиатни муҳофиза қилиш Давлат қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлар экофоруми, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Муштақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди сингари ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган бу йилги танловга журналистлардан турли йўналиш ва мавзулардаги юзга яқин ижодий иш тушди.

Танловда ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Гўзал САТТОРОВА

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси билан биргаликда «Маҳалла» республика жамғармасида ўтказилган давра суҳбати «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тизимини янада такомиллаштириш масалалари» мавзусига бағишланди.

Давра суҳбатида қайд этилганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари батамом шаклланди. Ҳозирги вақтда фуқаролик жамиятининг таянч демократик бўғини сифатида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ҳамда ваколатларини кучайтириш мамлакатимизни ривожлантиришда устувор масалаларга айланди.

«Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мавзусида 2011 йилда мамлакатимизда навбатдаги фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш мўлжалланмоқда. Сайловни муваффақиятли ташкил этиш ва ўтказиш учун ҳар бир фуқаролар йиғинида ишчи гуруҳлар тузилади, улар асосий эътиборларини ушбу сайловни амалдаги қонун ҳужжатлари қоидаларига, сайлов жараёнининг очиқлигини таъминлаш ва уни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш, давра суҳбатлари, семинарлар ҳамда сайловчилар билан учрашувлар ташкил этиш ҳамда ўтказиш йўли билан очиқ-ойдинлик ва ошкоралик каби демократик принципларга тўла мувофиқ ҳолда ўтказишга қаратадилар.

Давра суҳбати қатнашчилари ўз чиқишларида фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг ёрдамчилари сайловида аҳоли томонидан ушбу лавозимга кўрсатилган барча муқобил номзодлар иштирок этиши, шунингдек, ҳовли-

Бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш жараёнида муҳим роль ўйнамоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ёзиб қўйилганидек, «шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди». Улар фаолият кўрсатиши учун тегишли база яратилган.

лав, кўчалар, маҳаллалар, қўрғонлар, мавзёлар вакилларининг шу масаладаги фикрларини ҳисобга олиш муҳимлигига эътиборни қаратдилар.

Тўққиз мингдан ортиқ ишлаб турган, фаолиятида юз мингдан кўпроқ фаол қатнашаётган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолини ижтимоий-сиёсий ҳаётга жалб этиш, маънавий-маърифий ишни кучайтириш, оилаларда тинчлик-осойишталикни сақлаш, кам таъминланган оилалар ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш, ҳудудларни ободонлаштириш ишларини олиб бормоқдалар, шунингдек, фуқаролик институтига хос бир қатор бошқа тадбирларни ташкил этмоқдалар. Бу масъулиятли иш фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар кўрсатишда фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини оширишни талаб қилмоқда.

Масалани муҳокама этиш асносида давра суҳбати қатнашчилари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ҳамда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини янада такомиллаштириш, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ва уларнинг давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, адлия органлари,

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари, «Маҳалла» республика жамғармаси, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорлигининг самарадорлигини ошириш юзасидан бир қатор таклифларни илгари сурдилар.

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказиш жараёнида очиқ-ойдинлик ва ошкоралик каби демократик принципларни таъминлаш борасида тўпланган тажрибани ақс эттирувчи тахлилий материалларни умумлаштириш ҳамда аҳоли орасида кенг ёйиш, олимлар ва мутахассисларни жалб этиш, тегишли материалларни оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб бериш йўли билан юқорида кўрсатиб ўтилган кенг кўламли тушунтириш, шунингдек, бу соҳадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлигига ҳам эътибор қаратилди.

Давра суҳбати якунлари бўйича унинг қатнашчилари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тизимининг қонунчилик базасини янада такомиллаштиришга қаратилган тегишли тавсияларни қабул қилдилар.

(ЎЗА)

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** давлат иқтисодий университетиде «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ЁИХ марказий кенгаши ҳамкорлигида «Келажак овози-2010» кўрик-танлови иштирокчилари билан учрашув ўтказилди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН** хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши томонидан мамлакатимиздаги дипкорпус вакиллари иштирокида Сергели sanoat касб-хуна коллежи негизиде ўқув жараёнига

ноанъанавий амалиёт кўникмаларини жорий этиш масалаларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

✓ **ТОШКЕНТ** фотосуратлар уйида бугун Нодир Норматовнинг «Қишлоқ томон йўл» мавзусидаги кўргазмаси очилди.

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Кеча Тошкентдаги Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» ва «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» жамғармалари ҳамда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг грантлари лойиҳалари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди.

• Жиззах шаҳрида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг самарадорлигини оширишга бағишланган минтақавий илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Ушбу анжуманда Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари прокуратуралари ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, тадбиркорлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

• Тошкент вилояти «Камалак» болалар ташкилотининг ўқув-семинари бўлиб ўтди. Унда жойларда «Камалак» болалар ташкилоти томонидан олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилинди, ташкилот аъзолари сафини янада кенгайтириш, улар орасидан ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва рағбатлантириш юзасидан галдаги вазифалар белгиланди.

• Кеча Ўзбекистон футбол федерациясида олий лига жамоалари ўртасида XX миллий чемпионатнинг биринчи давра учрашувларига қуръа ташланди.

• Қорақалпоғистон Республикаси Бериуний тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли шошилинч тиббий ёрдам бўлимига Германияда ишлаб чиқарилган замонавий тиббиёт ускуналари – универсал жарроҳлик столи, монитор, жарроҳлик лампалари, рентген, диагностика, лаборатория жиҳозлари келтириб ўрнатилди. Натижада, одам организмининг ички аъзоларини, гинекологик хасталикларни жарроҳлик усули билан даволаш сифатини янада ошириш имконияти яратилди.

• Хоразм вилояти тижорат банклари томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган 9 ойида 81,5 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг эвазига 12,7 мингдан зиёд иш ўрни яратилди. Йил охиригача ажратиладиган кредитларнинг умумий миқдори 88 миллиард сўмни ташкил этиши кўзда тутилган.

• Тахياتош шахрилик тадбиркор Тожибой Жақешов 60 миллион сўмлик кредит эвазига «Эрлан» корхонасини замонавий мини технологиялар билан жиҳозлади. Айни пайтда бу ерда кунига ярим тоннагача ун маҳсулотлари тайёрлаш билан бирга, 300 литргача сут қайта ишланмоқда.

ЖАҲОНДА

• БМТ Хавфсизлик Кенгаши сиёсий инқироз тобора кучайиб бораётган Кот д'Ивуарда тинчликпарвар кучлар фаолиятини тиклади.

• Буёк Британияда террорчиларга қарши кенг қамровли операция ўтказилди. Ушбу операция чоғида 12 киши гумондор сифатида ҳибсга олинди. Улар террорчилик ҳаракатларни режалаштириш ва амалга ошириш жараёнига бошчилик қилганликда айбланмоқда. Ҳибсга олинганларнинг кўпчилиги Бангладеш фуқароларидир.

• Кеча Эроннинг жануби-шарқий қисмида уч бор кучли zilзила рўй берди. Хусусан, Кирмон музофотида рўй берган дастлабки zilзила 6,5 баллини ташкил этди. Ер силкиниши натижасида 7 киши ҳаётдан кўз юмган, юзлаб аҳоли вайроналар остида қолди. Учта аҳоли яшаш пункти бутунлай вайрон бўлди. Ҳозирда қутқарув ишлари амалга оширилмоқда.

• Калин қор ёғиши натижасида Лондондаги «Хитроу» халқаро аэропорти ёпилди. Шунингдек, Ла-Манш туннели орқали ҳаракатланувчи «Евростар» тезорар поездлари қатнови ҳам жадвалдан чиқиб кетди.

• Мисрда бунёд этиладиган атом электр станцияси қурилиши учун тендер танловида Россия ҳам қатнашини билдирди.

• Япониянинг «Хонда» автомобилсозлик компанияси дунё бозорларига чиқарган 1,35 миллион донна машинасини қайтариб олишини билдирди. Гап шундаки, «Jazz» русумидаги мазкур автомобилларнинг электр тизими ва олд чирокларини ишлашида камчилик борлиги аниқланган.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2011 йилни мамлакатимизда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилди.

Президентимиз ўз маърузасида тадбиркорлик ҳалқимиз ҳаётида қадимдан муҳим ўрин тутиб келганига алоҳида эътибор қаратди. Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳалқимизнинг, миллатимизнинг қон-қонига сингиб кетган ноёб ва эзгу фазилат эканлигини таъкидлади. Бу ўринда ҳалқимизнинг «Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади», «Иш билганга минг танга» сингари пурмаъно ҳикматларини ёдга олишнинг ўзи кифоя. Тап-тақир ерни ўзлаштириб, мўл-кўл ҳосил ундирган деҳқон боболаримиз, бир туп дарахтада ўн хил мева етиштирган соҳибкорларимиз, жонсиз кундага бамисоли жон бахшида этган уста хунармандларимиз, Чиндан то Румгача бўлган элларда уста тужор деб тан олинган савдогар ва дўқондор аждодларимизнинг аънаналарини бугунги авлод ҳозирги замон талаблари асосида ривожлантирмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва шу асосда яратилган қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилган, унинг конституциявий кафолатлари ишончли таъминланган.

Бунинг самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги муҳим соҳага айланди. Аини пайтда иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва шу асосда яратилган қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилган, унинг конституциявий кафолатлари ишончли таъминланган.

Бунинг самарасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик аҳоли бандлигини таъминловчи, демакки, долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этишдаги муҳим соҳага айланди. Аини пайтда иқтисодий ислохотлар жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва шу асосда яратилган қонунчилигимизда хусусий мулк устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилган, унинг конституциявий кафолатлари ишончли таъминланган.

Хозирги кунда кичик бизнес субъектлари ялпи ички маҳсулотнинг 50 фоиздан ортигини ишлаб чиқармоқда. Иш билан банд бўлган аҳолининг 74 фоиздан кўпроги айнан шу соҳада меҳнат қилаётди.

Биргина шу икки кўрсаткичнинг ўзи миллий тараққиёт моделимиз чўқур ва пухта ўйланган, юртимизда соҳа ривожига иқтисоднинг дастлабки йилларидан ҳар томонлама эътибор кўрсатилаётгани қанчалик оқилона қарор бўлганини аққол кўрсатади.

Кичик бизнеснинг илҳам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюнктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли эҳтиёжини таъминлаётган маҳсулот ва хизматлар бозорини кенгайтириш, умуман, иқтисодий ислохотлардаги аҳамиятига юртимизда тўри баҳо берилди. Бундай ишлар ўртасида шаклланаётган соғлом рақобат муҳити маҳсулот ва хизматларнинг сифати яхшиланиши, нарҳининг арзонлашишига кенг йўл очаётди.

Тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш масалалари давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган қатор энгиллик ва қўлайликлар, солиқ имтиёзлари соҳанинг изчил ривожланишига хизмат қилаётди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида асосий электрор тадбиркор, ишбилармон ва фермерлар бўлган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси энг катта фракцияга эга экани ҳам мазкур соҳа вакиллари жамиятимизда ўз ўрнини тобора мустаҳкамлаб бораётганини кўрсатади.

Бу соҳада яратилган ҳуқуқий база тадбиркорлар фаолияти эркинлигининг қонуний кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Тадбиркорларга нисбатан ҳар қандай санкциялар суд қарорига биноан қўлланилиб, уларнинг молия-ҳўжалик фаолияти фақат солиқ органлари томонидан текширилмоқда. Ҳисобот тақдим этишнинг барча шакл ва турлари кескин қисқартирилган.

Адлия идоралари тадбиркорларнинг муурожаатларини тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқиб, қонуний ҳал этиш ишларига алоҳида эътибор қаратмоқда. Тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини суд тартибида, тақдимномалар киритиш йўли билан тиклашга эришилмоқда. Натияжада қонун бузилишида айбдор мансабдор шахслар жавобгарликка тортилиб, етказилган моддий ва маънавий зарар ўндириб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 15 майда қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига биноан тадбиркорлик субъектларига яна бир қанча қўшимча имтиёз ва кафолатлар

яратилди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлари сезиларли даражада камайди. Масалан, кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш бўйича хизмат кўрсатиш, архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, юридик ва жисмоний шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш, банкларда ҳисобрақамларни очиб унун тўловлар миқдори бирмунча қисқартирилди.

Хўжалик субъектлари учун ягона солиқ тўлови ставкаси мунтазам тушириб берилмоқда. Мисол учун 2009 йилда ягона солиқ тўлови бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди. Янги – 2011 йилдан бошлаб бу кўрсаткичнинг 6 фоизга туширилиши яна бир катта имтиёзидир.

Солиқ имтиёзлари борасида бир мисол. «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси билан тузилган шартномага кўра намунавий лойиҳалар бўйича тайёр ҳолда топшириш шarti асосида хусусий уй-жой қурилишини амалга ошираётган пудратчи ташкилотлар ҳамда янги ташкил этилган иқтисодлаштирилган таъмирлаш-қурилиш ташкилотлари 2014 йил 1 январга қадар барча турдаги солиқлар, давлат мақ-

да. Бунинг самарасида хунармандларимиз ҳалқимизнинг бой ва бебаҳо меросини қайта тиклаш, аънаналаримизни ривожлантириш, ўзбек амалий санъати дурдоналарини жаҳонга танитиш йўлида изланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 30 мартда қабул қилинган «Халқ бадий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармони бу борада қўшимча имкониятлар яратди.

Кичик бизнес вакиллари ва фермерларимиз қўлга киритаётган ютуқлар, уларнинг бугунги салоҳияти Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун аънавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танловида ҳам ёрқин намоян бўлмоқда. Том маънодаги ташаббускор тадбиркорлар баҳсига айланган мазкур танлов тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандларни қўллаб-қувватлаш, улар фаолиятини кенгайтиришда кучли рағбатлантирувчи омил бўлмоқда. Аини пайтда бу илғор тажрибани оммалаштириш, тадбиркорлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилаётди.

Импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, ўзи етиштирган маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйган, чорвачилик ва бошқа сердаромад соҳаларда юқори натижаларга эришаётган фермерлар сафи кенгайиб бораётди. Тадбиркор, фермер ва хунармандларнинг ўз фаолиятига замонавий, илғор усулларни татбиқ этишга интилиши кучайиб бормоқда. Тадбиркорларимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати, рақобатбардошлиги билан нафақат ички бозорда, балки хорижда ҳам ўз харидорларини топмоқда.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси изчил тараққий этмоқда. Жорий йилнинг тўққиз ойида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида 503 минг иш ўрни яратилган бўлса, шунинг 253 мингтаси хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига тўғри келди.

Чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик сердаромад соҳалардир. Аини пайтда ушбу тармоқларнинг изчил ривожланиши ҳалқимизни кенг турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш, оилавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳамда аҳоли даромадини оширишда катта имконият яратмоқда.

Президентимизнинг йилрик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони асосида иш берувчи корхоналар учун ҳам, касаначилар учун ҳам рағбатлантиришнинг яхлит ва таъсирчан тизими яратилди. Касаначилик аҳолини иш билан таъминлаш ва даромад топишнинг қўшимча манбаига айланди.

Касаначиликнинг шакллари кенгайтиришга оид чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобидан жорий йилнинг тўққиз ойида 186,8 минг, жумладан, корхоналар билан кооперация асосида 63,1 минг, пудрат шартномаси ва оилавий бизнес асосида 123,7 минг иш ўрни яратилди.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан эълон қилинган Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили – 2011 йилда бу борада олиб борилаётган амалий ишлар кўлами янада кенгайтириш шубҳасиздир.

Давлатимиз раҳбари маърузасида мамлакатимизда бу соҳада ҳали ишга солинмаган жуда катта салоҳият ва имкониятлар мавжуд экани таъкидланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида ўз ифодасини топиши лозим бўлган устувор йўналишларда белгилаб берилди. Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мавжуд норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув, канализация, иссиқлик таъминоти каби муҳандислик коммуникацияларига улашни ёки уларни қуришда иштирок этишига рухсат бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш, уларга кредитлар ажратиш тизимини такомиллаштириш, минтақа ва жаҳон бозорларига чиқишини кенгайтириш, илғор илм-фан ютуқларига асосланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўл очиб сингари йўналишларда фоят кенг қамровли ишлар амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Бу вазифаларнинг рўйбега чиқарилиши Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жамиятимизнинг, бугунги ва келажак тараққиётимиз, фаровон ҳаёти-мизнинг мустаҳкам таянчига айлантиришга хизмат қилади.

Олим ТўРАҚУЛОВ,
ЎЗА шарҳловчиси

Алоқа
ЯНГИ ТЕХНОЛОГИК
ЛОЙИҲАЛАР

Кенг кўламли инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда «Алоқалойиҳа» давлат унитар корхонаси фаоллик кўрсатмоқда.

Бу ерда маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телекоммуникация, радиоалоқа, турли маълумотларни узатиш йўналишлари бўйича қўллаб янги лойиҳалар тайёрланди.

«Тошкент-Олмалик-Кўқон рақамли радиореоле йўналишини кенгайтириш» лойиҳаси мутахассислар томонидан ижобий баҳоланди. Шунингдек, янги автомат-телефон станциялари қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари устида ҳам ишлар давом этмоқда.

КЕНГ КЎЛАМЛИ
БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси томонидан телекоммуникация тармоғини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, тармоқ сифимини кенгайтиришга оид янги лойиҳалар тақдим этилди.

Тошкент шаҳридаги автомат-телефон станцияси эса 608 рақамга кенгайтирилди. «Коинот-Эл СГИ» русумли рақамли концентраторлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Қишлоқ жойларидан ижтимоий аҳамиятли инфратузилма иншоотларини телефонлаштиришга эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, қишлоқ шифокорлик шохобчаларини бунёд этишга киришилди.

ФАҲРЛИ НОМ ЭГАЛАРИ

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тармоғини ривожлантиришда фаоллик кўрсатаётган илғор алоқачилар муносиб тақдирланди.

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент телефон станцияси» филиалининг бир гуруҳ мутахассислари эса «Моҳир алоқачи» фахрий унвонига сазовор бўлди. Мукотфотланганлар орасида радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази вакиллари ҳам бор.

ЭЛЕКТРОН КУТУБХОНА

Тошкент давлат педагогика университетида ахборот-ресурс маркази электрон кутубхонасини зарур адабиётлар билан бойитиш мақсадида тадбиркорлик билан иш кўрилмоқда.

«Ирбис» дастури асосида марказдаги мавжуд китобларнинг электрон каталогини яратишга ҳам киришилди.

Электрон кутубхона бепул интернет тизимига уланган бўлиб, талабалар турли сайтларга кириб, ўқув қўлланмалари ва дарсликлардан фойдаланишаётди. Олий ўқув юрти олимлари яратаётган ўқув адабиётлари ҳам электрон шаклда сайтларга жойлаштирила бошланди. Аини вақтда муқовалаш ҳамда нусха қўчириш аппаратлари ҳам китобхоналар хизматида.

ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАР
ДАРАЖАСИДА

«Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг корхоналаридан бири ҳисобланади.

Филиал автомат телефон станцияларидан фойдаланаётган мижозлар сони янада ортди. Автоматик станциялар оптик толали кабель билан таъминланди. Бу эса корхонадаги ишлар сифати халқаро талаблар даражасига мувофиқ бўлишига асос бўлмоқда.

Ақбар АЛИЕВ

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили

ТАДБИРКОРИ БАҚУВВАТ ХАЛҚ
БАДАВЛАТ БЎЛУР

садли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни ҳамда божхона тўловларини тўлашдан озод қилинган. 2010 йилнинг 9 ойи мобайнида 174 ана шундай қурилиш ташкилотига нисбатан 4 миллиард сўм миқдорида солиқ имтиёзлари қўлланилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳжамасининг 2009 йил 8 апрелда қабул қилинган давлат мулкни ижарага бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари оид қарори асосида бўш турган бино ва иншоотлар хатловдан ўтказилиб, тадбиркорлик субъектларига ижарага берилётгани уларнинг ўз бизнесини янада ривожлантиришида қўлай имконият яратмоқда.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, бўш турган майдонлар бўйича 11 мингга яқин ижара шартномаси имзоланди. Кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага беришда тарифлар тадбиркорлик субъектларининг ҳаётга жойлашгани ва уларнинг фаолият турига қараб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди.

Тадбиркорлик субъектларининг бизнесга доир гоёларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш доимий эътиборда. Маркетинг ва консалтинг, ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатиш орқали тадбиркорларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, бизнес юритиш кўникмасини шакллантириш мақсадида мамлакатимиз бўйича ўттиздан зиёд бизнес-инкубатор фаолият юритмоқда. Тадбиркорларнинг бизнесга доир гоёларини ҳаётга татбиқ этиш борасида амалга оширилган тадбирлар самарасида ўтган йили тўрт мингдан ортиқ иш ўрнига эга 371 тадбиркорлик субъекти бизнес-инкубация жараёнини ўтади.

Тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлаш соҳани ривожлантиришнинг бош омилдир. Жорий йилнинг тўққиз ойида банклар томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар ҳажми 2134,5 миллиард сўмни ташкил қилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Президентимиз фармонида мувофиқ ташкил этилган «Микрокредитбанк» тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини тобора кенгайтириб, тадбиркор ва ишбилармонларга молиявий мададни кучайтирмоқда. Банк ўз фаолияти мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларига 268 миллиард сўмлик микромолия хизматларини кўрсатди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса кичик бизнес вакиллари қўллаб-қувватлаш мақсадида 102,8 миллиард сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Мамлакатимизда хунармандларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, уларнинг самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқ-

Бир неча йилдирки, Ўзбекистон ва Германия олимлари ўртасида яқин илмий ҳамкорлик давом этмоқда.

Ҳамкорлик
ИЛМИЙ ҲАМЖАМИЯТ
САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИ

Бунда ўзбек-герман илмий жамиятининг тутган ўрни катта бўлмоқда. «Ўзбек эртақлари»ни чоп этишда ҳам жамият ташаббус кўрсатди. Бонн университетини профессори К.Рейх томонидан босмага тайёрланган икки тили бу нашр тезда оммалашди. Орадан кўп ўтмай «Ўзбекистон эртақлари» ҳам тақдим қилинди.

Тошкент давлат педагогика университети герман филологияси кафедраси ҳам бу хайрли ишга яқиндан бош қўшди. Натияжада «Самарқанд эртақлари» китоби Германияда босиб чиқарилди. Халқ оғзаки ижоди намуналарини ўз ичига олган ушбу тўпламдан сўнг «Етти оқшў» китоби нашр қилинди. Юзга яқин олмон халқ эртақлари китобхоналарга манзур бўлди.

Берлин шаҳрида уюштирилган илмий жамият аъзоларининг анжуманига ҳам пухта тайёрларлик кўрилди. Ўзбекистон ва Германиядаги илмий доираларнинг вакиллари иштирок этган бу анжуманда Германияга оид адабиётлар билан бир қаторда ўзбек халқ эртақларидан мингтагани немис, инглиз, ўзбек ва рус тилларида нашр эттириш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Анвар ВАЛИЕВ

Маҳалла

ЁШ АВЛОД КАМОЛИ ЙЎЛИДА

Бугун юртимизда жисмоний соғлом ва маънан етук авлодни вояга етказиш борасида кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

«Маҳалла» жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими томонидан ўзини ўзи бошқариш тизимида аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, турли соҳа вакиллари билан ўтказилаётган давра суҳбатлари, кўплаб бошқа тадбирлар ҳам хайрли мақсадга қаратилган. Жумладан, Вазирлар Маҳжамаси томонидан тасдиқланган аҳоли, айниқса меҳнат мигрантлари, уларнинг оила аъзолари, никоҳланув-

қарши кураш маркази билан ҳамкорликда ҳар пайшанба куни тиббий савдо-хонлик бўйича оилавий поликлиникалар шифокорлари иштирокида семинар-тренинглари, давра суҳбатлари ўтказилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан хорижа чиқиб кетган ва чет элдан кириб келган фуқаролар билан тушунириш ишлари доимий олиб борилади. Албатта, бундан қўзланган мақсад авваламбор ёшларимизни турли иллатлардан сақлаш, уларнинг муносиб фарзанд бўлиб вояга етишига ҳисса қўшишдир.

РАИСА АБДУЛЛАЕВА,
«Маҳалла» жамғармаси
шаҳар бўлими бош мутахассиси

Болалар спорти

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур

БўЛАЖАК МОҲИР ФУТБОЛЧИЛАР МАКТАБИ

Жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида пойтахтимизда футбол бўйича ўтказилган Осиё чемпионатида кумуш медалга сазовор бўлган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси илк маротаба жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бу юксак натижа юртимизда болалар ва ўсмирлар футболни янги босқичга кўтарилгани ва соҳада амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар ўз самарасини бераётганидан далолатдир.

Юртимизда ёш футболчиларни тайёрлаш асосан болалар ва ўсмирлар футбол мактаблари, ихтисослашган мактаб-интернатлар, футбол академиялари ва олимпия захиралари коллежларида амалга оширилмоқда. Ана шундай футбол муассасаларидан бири Тошкент шаҳридаги футбол бўйича ихтисослашган давлат мактаб-интернатидир.

Президентимиз томонидан юртимизда футболни ривожлантиришга доимий эътибор ва ғам-хўрлик кўрсатилаётгани, бу борада бир қатор муҳим ҳужжатлар қабул қилиниши самарасида Ўзбекистон футбол халқаро майдонда катта ютуқларга эришмоқда, — дейди ЎА муҳбирига мактаб-интернат директори Маммур Саидқосимов. — Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 1 майда қабул қилинган «Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазиранинг Маҳкамасининг 2007 йил 31 январьдаги «Футбол бўйича болалар-ўсмирлар спорт мактабларининг фаолиятини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори болалар ва ўсмирлар футболчини тубдан ислох қилиш, халқаро майдонда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга қодир футболчиларни тарбиялаш, мураббий ва ҳакамларни тайёрлашга хизмат қилмоқда.

1999 йилда ташкил этилган ихтисослашган мактаб-интернатда айни пайтда ўн ёшдан ўн беш ёшгача бўлган ўқувчи таҳсил олмақда. Бу ерга болалар бешинчи синфдан қабул қилинади. Дастлаб боланинг жисмоний тайёргарлиги, футболчи сифатида иқтидори, салоҳиятини синаш учун ташкил этиладиган жисмоний тарбия, футбол назарисини ва амалиётини синовлари ўтказилади. Сўнг она тили ва адабиёт, математика фанлари бўйича тест имтиҳонларида ўзини кўрсатганлар ўқишга қабул қилинади.

Мактаб-интернатда ўн тўрт нафар олий маълумотли футбол мураббийлари сабоқ бermoқда. 32 нафар ўқитувчи янги педагогик усул ва услублардан фойдаланган ҳолда умумий таълим фанлари бўйича болаларга таълим бermoқда. Ўқувчиларнинг машғулотлар ва синов-назорат ўйинларида маҳорат ва тажрибасини оши-



риб бориши учун стадион, футболга мўлжалланган машғулотлар майдони, мини-футбол майдони, иккита спорт зали, иккита тренажёр хонаси, тиббиёт хонаси мавжуд. Мактаб-интернатнинг 150 ўринли ётоқхонаси ўқувчилар хизматида. Ошхонада спортчиларнинг соғлом овқатланиши учун етарли шароит яратилган.

Футболчиларимиз машғулотларда ўрганган билим ва кўникмаларини мамлакат ва халқаро миқёсдаги мусобақаларда синовдан ўтказмоқда, — дейди мураббий Ринат Имаев. — Мактабимиз жамоаси 1999-2009 йиллар давомида Республика футбол мактаб-интернатлари ўртасидаги мусобақаларда уч маротаба биринчи ўринни эгаллади, икки бор Тошкент шаҳри биринчилигида голиб чиқди, бир марта «Наврўз» кубогини қўлга киритди. Шунингдек, тарбияланувчиларимиз Қозоғистонда ўтказилган учта халқаро турнирда қатнашиб, бир жуфт олтин ва бир кумуш медални қўлга киритган.

Мактаб-интернат тарбияланувчиларидан Элдор Йўлдошев, Суҳроб Бердиев, Денис Азизов, Алексей Соболев, Бахтиёр Умаров, Темура Васильев, Хусан Абдусайдов, Элбек Бақоев, Алишер Турғунбоев, Улугбек Тиллаев, Лочин Сейтаниязов каби истеъдодли футболчилар миллий чемпионатимизнинг олий ва биринчи лига жамоаларида муваффақиятли тўп сурмоқда. Артур Юнусов ва Константин Свиридов эса мини-футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоаси сафида Осиё чемпионатининг кумуш медал соҳибдорлари, Андрей Шлёма «Ардус» жамоаси таркибида Ўзбекистон чемпионати бўлди. Умидли спортчилар — Фаррух Тошкентбоев ва Евгений Борисов келаси йили Мексикада бўладиган жаҳон чемпионатида иштирок этадиган Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига номзод футболчилардир.

— Мен бу ерда икки йилдан буюн футбол сир-асрорини ўрганяман, — дейди 6-синф ўқувчиси Рихсибой Муҳаммадиев. — Моҳир

Тошкент шаҳридаги футбол бўйича ихтисослашган давлат мактаб-интернатиде 260 нафар ўқувчи футбол сир-асрорини ўрганмоқда.

чарм тўп устаси бўлиб етишишни, Ўзбекистон миллий терма жамоаси сафида тўп суришни орзу қиламан.

Президентимизнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» асариде фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишида маънавий тарбия масаласи беқиёс аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланган. Спорт мусобақаларида муваффақият қозониш учун жисмоний тайёргарлиқнинг ўзи камлик қилади. Юксак чўқиларни кўзлаган спортчи юксак маънавият соҳиб бўлиши керак. Шундагина у Ватан шарафини ҳимоя қилиш, халқ ишончини оқлашдек юксак бурчни чин қалбдан тушуниб етати ва ҳар қандай мураккаб вазиятда доимо ғалаба учун курашади.

Мактаб ўқувчиларининг жамоат ишларидаги фаоллигини ошириш, маънавиятини юксалтириб бориш мақсадида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари, мамлакатимизнинг етакчи спортчилари билан учрашувлар, «Она тилим — жону дилим», «Биз — соғлом турмуш тарафдоримиз», «Сиз қонунни биласизми» каби мавзуларда анжуманлар мунтазам ўтказилмоқда. — Мактаб-интернатда очилган «Ёшлар» клуби ўқувчиларни катта ҳаётга тайёрлаб боришда муҳим аҳамият касб этмоқда, — дейди маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Асқар Мадалиев. — «Келажак ҳақида бугун ўйла» шиори остида фаолият кўрсатаётган мазкур клубда тўрт йўналиш — тадбиркорликни йўлга қўйиш, касбга йўналтириш, ҳуқуқий саводхонлик ва саломатлик бўйича турли соҳа вакиллари билан ҳамкорликда семинарлар, учрашувлар, тренинг машғулотлари ташкил қилинаётди. Бу тадбирларда нафақат мактабимиз ўқувчилари, балки атрофдаги маҳаллаларда истиқомат қилаётган ўқувчилар, талабалар ҳам фаол қатнашиб, ўз билим ва тажрибасини бойитмоқда.

Зоҳир ТОШХўЖАЕВ

КУРАГИНГИЗ ЕРГА ТЕГМАСИН

Ўзбек миллий кураши. Шу биргина сўзнинг ўзи юрагимизда ғурур учқунларини пайдо қилади. Халқнинг гувоҳлигида кураш тушаётган баҳодир ўғлон курагини ерга теккизмайдиган метин иродага эга. Дарҳақиқат, инсонда ёшлиқдан шаклландиган бу фазилат ўзбек халқининг асл курашчи ўғлонларига тааллуқлидир.

Саккиз ёшидан бошлаб курашни ҳаётининг мазмуни деб билган Олим Норов ҳам мана шундай курашчиларимиздан. Баҳром Авазов, Нормаммад Жалилов, Юсуф Мирзаев каби тажрибали мураббийлардан сабоқ олган курашчи «Амир Темир», «Ат Термизий» халқаро турнирлари совриндори, спорт устаси номдодиди.

— Спорт халқни, Ватани дунёга танитади ва тан олдиради ҳам, — дейди Олим. — Курашнинг миллийлигини билан боғлиқ жиҳатлари, ундаги қонун-қоидалар ҳақида халқаро спорт ҳамжамияти тўқиллашиб гапирди. Спорт турларининг энг қадимийси ва бугунги кунда ҳам ўз нуфузига эга кураш том маънода ҳақиқий мардлар жанги. Кураш инсонни ватанпарварлик ва матонат руҳида тарбиялашга қодир. Мен, ўзбек фарзанди,

миллатимиз фахри бўлиш кураш ўнлаб эмас, юзлаб давлатларга донги таралишига сидқидилдан ҳаракат қиламан.

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино кураш билан шуғулланмоқ жон ва тан саломатлигини таъминлашнинг энг яхши воситасидир, дея эътироф этган. Демак, кураш жисмонан ва маънан соғлом бўлишга элтади.

Маълумотларга қараганда, минг йил муқаддам пайдо бўлган афсонавий Алпомиш эпосида кураш олис ўтмишда бизнинг қутлуг заманимизда оммавий тус олган энг сеvimли спорт бўлганлиги қайд этилган. Кўп йиллик тарихга эга кураш ҳақиқий маънода ғурур тимсоли ҳамдир. Олим Норов каби курашчиларимизнинг кураги ҳеч қачон ерга тегмасин.

ҒАЛАБА САРИ ИЛДАМ ҚАДАМЛАР

